

O'zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining g'azna ijrosi qoidalariga  
8-ILOVA

2022 y. «24» yanvardagi Maktabgacha Ta'lim Bo'limi va "O'zbektelekom" AK Jizzax  
filiali o'rtasida 2 160 000 so'm umumiy summaga tuzilgan 40883606- sonli shartnomaga  
TO'LOVLAR JADVALI

Bob 251

Shaxsiy g'azna hisobvaraqlari 100022160020097098800251002  
(so'mda)

2022y. oylar nomi.	Xarajatlar turi (byudjet tasnifining tegishli kodi)		Jami
Yanvar	720 000		720 000
Fevral	720 000		720 000
Mart	720 000		720 000
April			
May			
Iyun			
Iyul			
Avgust			
Sentyabr			
Oktyabr			
Noyabr			
Dekabr			
Jami yil bo'yicha	2 160 000		2 160 000

Jami: 2 160 000 so'm (Ikki million bir yuz oltmish ming)  
summa so'z bilan



*(imzo)*  
Z. Xidirov  
FIO

*(imzo)*  
S. Axralov  
FIO

2- илова  
Хизмат курсатиш ва ажратилган  
алоқани тестдан ўтказиш  
№ 40883606- сонли шартнома  
24.01.2022 й.

ДАЛЮЛАТНОМА

«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали, Ғаллаорол ТБ кейинчалик «Оператор» деб юритилувчи, Ғаллаорол туман Мактабгача таълим бўлими кейинчалик «Абонент» юритилувчи, оператор томонидан абонентга телекоммуникация хизматлари тақдим этилаётганлиги сабабли ажратилган алоқа тармоғини тестдан ўтказишни топшириш ва қабул қилиш ҳамда 27.01.2022 йил телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича тузилган шартномага асосан хизматга уланишни амалга оширдилар.

№	Уланган хизмат тури номи	Сана	Бажарилгани хақида белги
1	Тақдим этилаётган хизмат тури <input checked="" type="checkbox"/> Интернет <input type="checkbox"/> VPN <input type="checkbox"/> IPTV <input type="checkbox"/> Телефон	Ишга тушуриш санаси: «24» 01 2022 йил	Бажарилди

«Оператор»

«Абонент»

«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали  
Ғаллаорол ТБ

Ғаллаорол туман Мактабгача таълим бўлими



Ғаллаорол телекоммуникация  
боғлама бошлиғи

З.Янгибоев



Директор

З.Хидиров

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Ғаллаорол шаҳри**

**24.01.2022 йил**

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2022 йил 7 январдаги №52-01-08/33-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Жиззах филиали Ғаллаорол телекоммуникация боғламаси З.Янгибоев (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ғаллаорол туман Мактабгача таълим бўлими номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи З.Хидиров (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйдагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ таъиниб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Даствлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максалларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Даствлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигиндан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фонз** миқдоридан олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миаллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк кун** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фонз** миқдоридан олдиндан тўланади. Даствлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда) **2160000** (икки миллион бир юз олти миш минг) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма **720000** (etti юз йигирма минг) сўм миқдоридаги абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортикча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча қелишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк кун** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исалмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрый равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоккировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-қичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганда **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### **4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари булдан мустасно).

#### **5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Жиззах туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### **6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маланиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган қучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/тақлиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### **7. ФОРС-МАЖОР**

7.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озол бўладилар.

7.2. Енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, қўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар қиради.

7.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

7.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

#### **8. Яқиний қоидалар**

8.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

8.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, қучга қиради ва **2022 йил 1 апрелга қадар амал қилади**. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

8.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради ва **2022 йил 1 апрелга қадар амал қилади**.

8.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

8.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.


8.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз қучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.


8.5. Ушбу Шартномага ўзгарттиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

8.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нускада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нускадан берилади).

9. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

**Оператор»**  
**“Ўзбектелеком” АҚ Жиззах филиали**  
**Ғаллаорол ТБ**  
Манзил: Ғаллаорол шаҳри, Мустақиллик кўчаси -38-уй  
Тел: Факс:(72)432-10-06  
Х/р: 20210000504074838367  
Алоқабанк АТБ Жиззах филиали  
МФО: 00401      СТИР: 203 366 731  
ОКЭД: 61100  
**Корпоратив мижозлар билан ишлаш бўлими**  
**телефон рақами Тел: 72(224-00-04) Call марказ 1155**  
Эл.Почта: [ijztel@uztelecom.uz](mailto:ijztel@uztelecom.uz)

Ғаллаорол телекоммуникация  
боғلامа бошлиғи  **З.Янгибоев**  
М.П.  
Юрисконсулт 1-ой  
категорини  **А.Холбеков**



**«Абонент»**  
**Ғаллаорол туман Мактабгача таълим бўлими**  
Манзил Ғаллаорол шаҳри, Мустақиллик кўчаси  
Тел: Факс: 72-432-11-26  
Х/р: 10002286082097091100251014  
Банк номи :Марказий банк  
МФО: 00014      СТИР: 305150625  
ОКЭД: \_\_\_\_\_  
**Контактные телефоны**  
Тел: \_\_\_\_\_  
Эл.Почта: \_\_\_\_\_

 **З.Хидиров**



Кўрсатиладиган хизмат

1. Хизмат турлари ва уларнинг тарифлари

Қиймат бирлиги Миллий валюта – Сўм

№	Хизматлар номи	Баҳоси (Нархи) ҚҚС билан	Асос	сони	Сўммаси, ҚҚС билан сўм
1	2	3	4	5	6
I. Бир вақтдаги (бир марталик) тулов					
1.1					
II. Хар ойлик тулов					
2.1	<u>Corporate-2</u> тариф режасига асосан Интернетга уланиш тезлиги 6 Мб/с	270 000	Нархнома	1	270 000
2.2	<u>Corporate-4</u> тариф режасига асосан Интернетга уланиш тезлиги 20 Мб/с	450 000	Нархнома	1	450 000
Жами (олдиндан тулов)					720 000

Шартнома бўйича тўланадиган абонент тўлови : \_\_\_\_\_ сум,  
15% ҚҚС билан ва бир марталик тулови \_\_\_\_\_ сум, 00 тийин,  
15% ҚҚС билан.

«Оператор»  
«Ўзбектелеком» АК «Жиззах» филиали  
Ғаллаорол ТБ

«Абонент»  
Ғаллаорол туман Мактабгача таълим бўлими



Ғаллаорол телекоммуникация  
боғлама бошлиғи

*[Signature]*

З.Янгибоев



Директор

*[Signature]*

З.Хидиров

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi:** Sh a r t n o m a.

**2.Loyihaning nomi:** Xizmat ko`rsatish shaklida

“O‘zbektelekom” aksiyadorlik kompaniyasi (keyingi o‘rinlarda – Kompaniya) nomidan 2022-yil 7-yanvardagi №52-01-08/33-son ishonchnoma asosida faoliyat yurituvchi Kompaniyaning Jizzax filiali G‘allaorol telekommunikatsiya bog‘lamasi Z.YAngiboev (keyingi o‘rinlarda – Operator) bir tomondan va G‘allaorol tuman davlat maktabgacha ta'lim bo'limi nomidan Ustav (Nizom, ro‘yxatga olinganlik to‘g‘risidagi guvohnoma, ishonchnoma) asosida faoliyat yurituvchi Z.Xidirov (keyingi o‘rinlarda – Abonent) ikkinchi tomondan (keyingi o‘rinlarda birgalikda - Tomonlar) telekommunikatsiya xizmatlari ko‘rsatilishi bo‘yicha quyidagilar haqida Abonent shartnomasini (keyingi o‘rinlarda – SHartnoma) tuzdilar unga ko'ra shartnoma Tomonlar o‘rtasida imzolangan paytdan boshlab kuchga kiradi va 2022-yil 1-aprelga qadar amal qiladi va shartnomaning umumiy summasi (QQSni hisobga olgan holda) 2160000 (ikki million bir yuz oltmish ming) so‘mni tashkil etadi. Ushbu summa 720000 (yettiz yuz yigirma ming) so‘m miqdoridagi Abonent to‘lovini hamda miqdoridagi bir martalik to‘lovni o‘z ichiga oladi.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Loyiha G'allaorol tumani davlat maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan. 2022-yil 31-yanvar kuni elektron tizimga biriktirilgan va FR13006020-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq xo‘jalik shartnonasiga nisbatan qo‘yiladigan talablar asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



I.S.Norkuziyev

2022-yil 31-yanvar